

Хозиргача ёзув Жанубий Месопотамияда (Бобил) яшаган кадимги шумерлар маданиятида пайдо бўлган, дея хисоблаб келинар эди. Немис археологолари кадимги Миср фиръавни Скорпио Биринчи тобутидан ёзувли котган лой парчасини топишди. Текширувлар лойдаги ёзув 5300 ёшда эканини кўрсатди. Демак, мисрликлар биринчи ёзувга асос солишган экан.

Милоднинг 732 йили вафот этган Кул Тегин кабри тошидаги ёзувлар туркий халк хисобланган ўзбекларнинг илк ёзуви намуналаридир.

Ўрта Осиёдаги энг баланд кадимий меъморий ёдгорлик Бухородаги Минораи Калон бўлиб, унинг баландлиги 46,5 метрдир. Уни 1127 йили корахонийлардан Арслонхон курдирган.

Хозирги Ўзбекистон худудида милодий учинчи асрлардаёк кутубхоналар мавжуд эди. Куръони каримда 114 та сура, 6266 та оят бор. Замахшарийнинг "Кашшоф" тафсирида ёзилишича, 6666 та оят, 77.439 та сўз, 325.343 та харф бор. Сураларнинг энг каттаси Бакара (286 оят), энг кичиги Ихлос, Наср (3 оятли) сураларидир.

Пайгамбар алайхиссалом даврларида Куръонни тўла ёзиб олиб ёдлаган сахобийлар Убай ибн Каъб, Муоз ибн Жабал, Зайд ибн Собит, Абу Зайд, баъзи ривоятларга кўра Абуд Дардо бўлишган.

Юсуф Хос Хожибнинг 1072 йили ёзган "Кутадгу билиг" (Бахт келтирувчи билим) асари туркий тилдаги биринчи ёзма адабиёт намунасидир.

Ўрта Осиёдаги энг улкан жомеъ – Бибихоним масжиди Самаркандда 1399-1404 йиллари куриб битказилган.

Араб имлосидаги китобларни чоп этишга мўлжалланган биринчи босмахона 1723 йили Аштархон (Астрахан)да очилган.

Улуг комусий олим Абу Райхон Беруний она тилидан ташкари санскрит, араб, форс, иврит, юнон ва бошка тилларни яхши билган.

Ўзбек фалакшунос олими Мирзо Улугбекнинг юлдузлар илми хакидаги "Зижи Кўрагоний" асари асосида Оврупада юлдузлар жадвали тузиб чикилган. У бундан беш юз йил олдин йил узунлигини 365 кун 6 соат 8 дакика 12 сония деб аниклаган ва хозирги хисобда бор-йўги 35 сонияга адашган.

Абу Аббос Ахмад ал-Фаргонийнинг асосий асари "Китабул харакат ас-самовийя ва жавомиъ илм ан-нужум" ўн бешинчи асрдаёк Оврупа университетларида дарслик сифатида ўқитилган.

Ахмад Фаргоний ясаган Мисрдаги Нил дарёси сувини ўлчайдиган асбоб якин-якингача ишлатиб келинди.

Машхур ўзбек олими Абу Али ибн Сино фаннинг турли сохаларига оид 450 дан ортик китоб ёзган, "Китабуш-шифа" 22 жилддан иборат, "Тиб конунлари" эса саккиз юз йил мобайнида тиббиётдаги асосий кўлланма бўлди.

Туркий халкларнинг нодир ёзма ёдгорликларидан "Ўгузнома", "Бобурнома", "тарихи Абулхайрхон" – Париж ва Лондонда, "Кўркут ота китоби" (1X аср) – Ватиканда, "Хумо куши кўшиги" (14-аср) – Венетсияда, Махмуд Кошгарийнинг "Девону лугатит-турк", Ахмад Яссавийнинг "Девони хикмат" (12-аср) китоблари Истанбулда сақланади.

Куръони карим милодий 610 йилдан 632 йилгача, яъни йигирма уч йил мобайнида (Маккада 13 йил, Мадинада 10 йил) Пайгамбаримиз Мухаммад алайхиссаломга туширилган.

Куръони каримнинг биринчи нозил килинган ояти Алак сурасининг дастлабки беш ояти эди.

Хиндистонда 10.000 га яқин кинотеатр бор, уларга ҳар куни 15 миллион томошабин киради.

Куръони каримни чоп этиш бўйича Саудия Арабистонидаги подшоҳ Фахд академияси фаолият бошлаган хижрий 1405 йилдан буён Мусхафни тўксон кўринишда жами 185 миллион нусхада чоп этди. Ўзбекистонда ҳам Куръони карим нашри икки марта амалга оширилган.

Русиянинг Саратов вилоятидаги Духовнитское кишлогидан 4 академик, 60 фан доктори етишиб чиққан. Булардан 22 нафари ядро физикаси, 8 нафари тиббиёт, 6 нафари биология олимларидир.

Наманган вилоятининг Чортоқ туманидан 70 нафар фан номзоди, 11 фан доктори, шунча таникли ёзувчи етишиб чиққан.

Ҳаж кунлари хожилар кунига ўртача 10.000 кубометр Замзам суви истеъмол қилишади. Дунёда энг кўп чоп этилган китоб "Инжил"дир, унинг умумий адади 2 миллиард нусхадан ортган, икки минг тилга таржима қилинган. Иккинчи ўринда Хитой раҳнамоси Мао Сзе-дуннинг "Танланган асарлари" туради, бу китоб ҳозиргача 894 миллион нусхада чоп этилди.

Ислом оламида ёзилган илк китоб Абдулмалик ибн Журайжнинг (вафоти хижрий 150 йил) ҳадис ва осорлар тўпламидир.

Маккаи муқаррамада ёзилган биринчи китоб Мужоҳид, Ато ва Ибн Аббос шогирдлари тасниф этган "Хуруфут-тафсир" китобидир.

Имом Моликнинг "Муваддо", Суфён Саврийнинг "Жомеъ" асарлари Мадинаи мунавварада битилган илк китоблардир.

Пайгамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломга туширилган илк вахий Аллоҳ таолонинг "Ўқи!" (Иқроъ) деган илохий фармон эди.

"Илм" сўзи Куръони каримнинг 850 жойида турли кўринишларда келган.

Биргина милодий ўн олтинчи-ўн еттинчи асрларда Ислом оламида илмнинг турли соҳаларида ишлаётган 86.000 таникли уламо бор эди.

Милодий тўққизинчи-ўн иккинчи асрларда Гарбнинг 95 фоиз аҳолиси ўқиш-ёзишни мутлақо билмаган.

Кохирадаги Фотимийлар кутубхонасида илмнинг турли соҳаларига доир 2 миллион жилд китоб бўлган. Ўшанда Оврупа Кириллик кутубхонасида бор-йўғи 100 жилд китоб бор эди. Андалусиядаги "Ал-Хикам" кутубхонасидаги мавжуд шеърӣ девонлар мундарижасининг ўзи қирқ тўрт жилдли китобни тўлдирган.

Тароблусдаги (ҳозирги Ливияда) Бани Аммор кутубхонасида 1 миллион жилд китоб сақланган, унда 180 нуссоҳ (нусха кўчирувчи) эртаю кеч китоб кўчириш билан машғул бўлган.

Аҳоли жон бошига ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича дунёда биринчиликни олган Швейтсария кутубхона-аҳборот тармоқлари сони бўйича ҳам биринчи ўринда.

Беш миллион аҳоли яшайдиган Финландияда 1500 оммавий кутубхона, шунча китоб тарқатувчи пункт, 250 та кўчма кутубхона (библиобус) ишлаб турибди.

Мусулмон Андалусияси пойтахти Куртубада (Кордова) бир миллион аҳоли яшаган, 900 та хаммом, 283 минг уй, 600 та масжид, 80 минг қаср бўлган. Бу ердаги 80 та мадрасада камбағаллар бепул ўқитилган, 50 та шифохона бепул хизмат кўрсатган.

Ибн Жавзий исми олим 340 дан ортик асар ёзган, бу киши китоб ёзмаган илмнинг бирор

сохаси колмаган.

Ўнинчи аср улуг олимларидан андалусиялик Ибн Рушд умри давомида факат икки кеча китоб ўкимаган: бири уйланган ва иккинчиси отаси вафот этган кеча эди.

1988 йилгача Хитой давлат радиоси Гарбнинг поп мусикасини умуман эфирга узатмаган. Англия телевидениеси "Чоррахалар" телесериалини 24 йил намойиш этган.

Дунёдаги энг кадимий байрок Британия байрогидир, у "Юнион Жек" (Жек бирлиги) деб ном олган.

Хўжа Насриддин латифаларини биринчи бўлиб ўзбек ёзувчиси Шариф Ризо тўплаган. У йиккан 800 латифанинг ярмидан кўпроги 1941 йили китобча холида чоп этилган.

Италия пойтахти Римнинг Остиенсе туманида Шаркнинг машхур олими Абу Али ибн Сино номида катта кўча бор.

Замонавий ўрис тили лугатида 200.000 га якин сўз бор.

1645 йилдан Шветсияда нашр этила бошланган "Пост ок инрикес тиднингар" Ер юзидаги энг "кекса" газета саналади.

1656 йил 8 январдан Холландияда чоп этила бошланган "Хаарлемс дахблад" эса энг биринчи реклама-тижорат нашри сифатида тарихга кирди.

Биринчи телевидение рекламаси 1941 йил 1 июлда АКШ телеканалларида берилган.

Ўшанда 20 сония давомида "Бюлов" маркали соат реклама килинган.

Адади бир миллионга етган илк журнал Парижда чикадиган "Пти журнал" эди.

Франсиялик ноширлар бу маррани 1886 йили эгаллашди.

АКШнинг Жоржия штатидаги Мэйконе шахрида жойлашган кийим-кечак дўкони мунтазам реклама берувчи энг "кекса" миждир. У 1889 йилдан буён махаллий "Мэйкон телеграф" газетасида 33.727 марта реклама ва эълонларини чоп эттирди.

АКШнинг Чикаго шахридаги "Р. Доннелли ва ўгиллари" матбаа фирмаси йилига 1.300.000 тонна когоз ва 70.000 тонна бўёк ишлатади.

АКШда 1550 та кунлик, 7500 та хафталик газета нашр этилади. Японияда кунига 74 миллион нусхада газета сотилади.

Японлар газета ўқишга хар куни ўртача 40 дакика вақт ажратишади.

Тайландди китоб, газет-журнал чикарадиган 11.000 та нашриёт бор.

Жахон музейларида бизга ватандош мутафаккирларнинг 200.000 га якин асарлари сақланмоқда.

Энг кимматбахо тасвирий санъат намунаси Леонардо да Винчининг (1452–1519) "Мона Лиза" (Жаконда) асаридир. У 1962 йили Париж сугурта ширкати томонидан 100 миллион долларга бахоланган.

Биринчи аклий бошкотирма (кроссворд) 1875 йили Нью-Йоркда чикадиган "Сент-Николаас" журналининг сентябр сонисида босилган. Буни Англиянинг Ньюкаслпон-тайн шахрида яшовчи доктор Кеннет Миллер исботлади.

Энг катта бошкотирмани 1982 йил июлида Канаданинг Квебек шахридан жаноб Робер Трюко тузган. Унда 82.951 катакча бўлган, у 3,6 кв. метр жойни эгаллаган. Трюко энига 12489 та, бўйига эса 13325 та сўзни жойлаган.

Англиянинг Айронбри шахри фукароси Рожер Сквайрз энг кўп бошкотирма тузувчи сифатида тан олинган. У хафтасига 38 тадан кроссворд тузиб, чоп эттирган. 1990 йил сентябридаёқ у тузган бошкотирмалар сони 35.000 тадан ошиб кетган эди.

АКШнинг Калифорния штатидаги оламга машхур "Диснейленд" болалар шахарчаси 1955 йили очилган ва унинг курилишига 17 миллион доллар маблаг сарфланган.

Киноэкраннинг энг машхур кахрамони англиялик изкувар Шерлок Холмс саналади. Ушбу

образни 197 филмда 70 нафар актёр ижро этган.

Конвертларга марка ёпиштириш 1842 йилдан бошланган.

Хаж килувчилар сони 1950 йилгача 100 минг кишидан ортмаган, 1955 йили улар сони икки баравар кўпайди, 1983 йилга келиб хожилар сони 1 миллионга етди, 2008 йили эса 181 миллатга мансуб 3 миллион киши хаж ибодатини адо этди.

Мусулмонларнинг биринчи масжиди милодий 622 йили (хижрий 1 йил) Пайгамбаримиз бошчиликларида Ясриб (Мадина) шаҳрида қурилган.

Маккадаги Масжидул Харом кенгайтирилганидан кейин унда салкам 3 миллион киши намоз ўқийдиган бўлади. Мадинадаги Масжидун-Набий хонакохи ва ховлисида жами 1,5 миллион киши ибодат қила олади.

Миллиард дакика 19 асрдан кўпроқ вақт, демакдир. Миллиардинчи дакика милодий йил ҳисобида 1902 йили ўтди.

"Робот" атамасини машҳур чех ёзувчиси Карел Чапек (1890 – 1938) ўйлаб топган.

1995 – 1998 йилларда Русия нашрларида чоп этилган латифаларнинг 47 фоизи факат қайноналар ҳақида бўлди.

Русиянинг Екатеринбург шаҳрида Кўринмас одамга (!) ҳайкал ўрнатилган.

Расулulloғга (соллalloғу алайқи ва саллам) мусулмон долида йғлииб, суьбатларида бўлган, сғзларини эшитган, мғмин долида вафот этган киши «сахобий» дейилади, сацобийларнинг умумий сони таирибан 114 минг киши, баъзи манбаларда 124 минг киши дейилади.

Дунёда ҳаммаси бўлиб 5621 тил ва шева бор, ҳозиргача шулардан 500 таси ўрганилган, 1400 тасининг эса йўқолиб кетиш хавфи бор.

Кўзойнақлар 800 ёшда, дастлаб Рим императори Нерон узокни кўриш учун каттақон зумрад тошдан фойдаланган.

Заррабинни (микроскоп) кўзойнақ устаси Захарий Янсен исмли киши тасодифан ихтиро қилган.

Қуръони қаримда 25 пайгамбар номи зикр этилган: булар—Одам, Идрис, Нух, Худ, Солих, Иброҳим, Лут, Исмоил, Исхок, Яъқуб, Юсуф, Айюб, Зулқифл, Шуайб, Мусо, Хорун, Довуд, Сулаймон, Илёс, Алясаъ, Юнус, Закариё, Яхё, Исо ва охириги пайгамбар Мухаммад алайҳимуссаломлардир. Узайр, Лукмон, Зулқарнайн номлари ҳам Қуръонда келган, улардан баъзилари набий, баъзилари валийдир.

Франсиядаги машҳур Эйфел минорасини йилига салкам 7 миллион сайёҳ томоша қилади. Амриконинг Ай-Би-Эм корпоратсияси битта молекуладан ташкил топган дунёда биринчи микросхема яратди, у инсон сочи толасидан 100 минг баравар ингичка.

Русиянинг "Маяк" радиостансияси дастурларини қунига 1.350.000 киши тинглайди.

Маккаи муқаррамадаги Масжидул-Харом ўртасидан жой олган 12x9x12 метрли куб шаклидаги қорамтир тош бино «Қаъба» деб аталади, Қуръони қарим хабарига кўра, уни илк бор Иброҳим алайҳиссалом ўғли Исмоил алайҳиссалом билан тиклашган.

Қаъба устига ҳар йили янгидан ёпиладиган қалин қора мато, яъни қаъбапўш 658 квадрат метрли бир-бирига уланган қирқ саккиз бўлақ матодан иборат, у 450 кило соф ипақдан тайёрланади.

Юз ёшга яқинлашиб қолган Англия ёзувчиси Барбери Қартпанд бир йилда 26 та роман ёзишни "норма" ҳисоблайди.

Пайгамбаримиз (соллalloғу алайқи ва саллам) жами етти фарзанд – уч гил, тўрт ииз қўрганлар, уларнинг исмлари иуйидагича: Жосим, Зайнаб, Руаййа, Умму Қулсум, Фотимаи Зақро, Абдуллоқ, Иброқим. Уларнинг олти нафари Ҳадича онамиздан, еттинчиси —

Иброҳим эса мисрлик ғазрати Мориядан туғилган.

Дунёда энг кўп киноартистга эга мамлакат Шветсия саналади, бу ерда ҳар 7350 аҳолига биттадан киноактёр тўғри келади.

Голф дунёда энг кўп тарқалган спорт турига айланди.

Немис композиторларидан бири "Горбачев" деган опера ёзган.

Маккадаги Масжидул Харом масжидининг умумий сахни 356 минг кв. метр, масжид ўртасидаги Каъба эшиги 280 кило соф олтидан ясалган.

Ҳозир дунёда 900 миллиондан ортиқ саводсиз киши бор.

Японияда жами болаларнинг 85 фоизи боғчаларга катнайди.

Япон табиблари аниқлашча, ёқимли мусика оқат хазмини яхшилаб, айрим касалликлар олдини олар экан.

Туркия "ойнаи жаҳон"ида 70 дан ортиқ телеканал бор.

1880 йилда дунё аҳолисининг бор-йўғи 13,7 фоизи мусулмон эди. Йигирманчи асрнинг 80-йилларига келиб, бу кўрсаткич 16,9 фоизга, минг йилликнинг охирига келиб эса, тахминан 21 фоизга етди. Кейинги эллик йил ичида дунёнинг мусулмон аҳолиси 235 фоизга кўпайди.

Ҳозир дунёда 3 миллиард 865 миллион киши бирор динга эътиқод қилади, буларнинг 1,6 миллиарди насронийлар, 1,5 миллиарди мусулмонлар, 710 миллион киши ҳиндукийлар ва буддавийлар, 17 миллион киши яҳудийлик динидадир.

Ҳозирги кунда Ислоҳ оламида тўрт улуг мужтахиднинг – Имом Аъзам (Абу Ханифа), Имом Шофеъий, Имом Молик, Имом Аҳмад ибн Ханбал мазҳаблари амалдадир.

Диёримиз мусулмонлари Имом Аъзам (Ханафий) мазҳабидадирлар.

Дунёдаги энг машҳур музейлардан Санкт-Петербургдаги (Русия) Эрмитаж умумий сатҳи 46 минг кв. метр бўлган мингдан ортиқ залдан иборат, унда 3 миллиондан ортиқ санъат асари ва қадимий осори-атикалар сақланади. Барчасини айланиб чиқиш учун 24 километр йўл босиш керак.

Буюк Британия пойтахти Лондондаги Букингем қироллик саройида сақланаётган "Амир Темур" зумрад тошининг оғирлиги 631 каратга тенг.

Мисрдаги машҳур "Ал-Азхар" дорилфунуни барча шохобчаларида таълим олаётганлар сони бир миллион кишига етади. Уларга олти мингдан зиёд уламо ва мударрис сабоқ беради.

Бугунги кунда дунёдаги мусулмонларнинг 92,5 фоизи суннийлар бўлиб, улар «Ақли суннат вал-жамоа»ни ташкил этишади. Улардан ғанафийлар – 47 фоизни, шофеъийлар – 27, моликийлар – 17, ғанабалийлар – 1,5 фоизни ташкил этади.

Ҳозир дунё бўйича 1,5 миллиарддан ортиқ киши Интернет тизими хизматидан фойдаланмоқда.

Марказий Осиё ўлкаларида жами етмиш мингга яқин дўнган (мусулмон этник хитойлар) истиқомат қилади. Эътиқодда сунний мусулмон бўлган дўнганлар кўпроқ ханафий мазҳабига мансубдирлар.

Довуд алайхиссаломга Забур, Мусо алайхиссаломга Таврот, Исо алайхиссаломга Инжил, пайгамбаримиз Мухаммад алайхиссаломга Қуръони қарим туширилган, бу илоҳий китобларда пайгамбарларнинг ўз замоналарига, ижтимоий шароитларига, урф-одатлари ва қобилиятларига мувофиқ ҳукмлар баён этилган.

Насронийларнинг муқаддас китоби Инжилнинг асл нусхаси гойиб бўлган, кейинчалик авлиёлардан Матто, Маркус, Лука, Юханно ёзган тўрт Инжил майдонга чиқди. Булар диннинг асл моҳиятига мос бўлган Барноба Инжилига мос эмас.

Расулulloх (с.а.в.) хижратнинг олтинчи йили дунёнинг ўша пайтдаги машхур подшоҳ ва киролларига мактуб юбориб, Исломга даъват килдилар. Пайгамбар алайхиссаломнинг мактублари Византия (Рум) империяси кироли (кайсари) Хираклга, Эрон шоҳи (кисроси) Хисравга, Хабашистон хукмдори (нажошийга), Миср хукмдори Мукавкис ва бошқаларга элчилар орқали етказилиб, улар Аллохнинг тавҳидига чакирилган эди. Хозирги пайтда Ўзбекистонда 6,5 мингга яқин мактабгача таълим муассасалари, 9800 га яқин мактаб бор, уларда 5,4 миллион бола ўқийди. Мактаблардаги ўқитувчиларнинг 65 фоизи олий маълумотли мутахассислардир.

Хозир мамлакатимизда 1300 дан ортиқ ўрта махсус таълим муассасалари (литсей ва касб-хунар коллежлари) ишлаб турибди, булардан 200 га яқини академик литсейлардир. Республикадаги 67 та олий ўқув юрти: 22 университет, 43 институт ва 2 та академияда бакалавр ва магистр босқичларида таълим берилмоқда, уларда юз минглаб талаба таълим оляпти, уларга 22 минг профессор-ўқитувчи, жумладан 1700 га яқин фан доктори, 7500 дан зиёд фан номзоди таълим бeryпти.

Маккадаги Масжидул Харом, Мадинадаги Масжидун-Набавийя, Бухородаги Минораи Калон, Хивадаги Исломхўжа мадрасаси минораси, Анкарадаги Кўжатепа, Истанбулдаги Сулаймония, Марокашдаги Кутубия, Дамашкдаги Ал-Бадр ва бошқа миноралар дунёда машхур.

Исломда Аллох таоло томонидан яратилган кўплаб оламлар мавжудлиги эътироф этилади. Улар куйидагилардир: Олами асгар (энг кичик олам, яъни инсон), Олами барзах (борлик дунё билан охират орасидаги олам, қабр ҳаёти), Олами жабарут (улуглик ва қудрат олами), Олами акбар (энг буюк олам, коинот), Олами Амр (Аллохнинг амри ила ҳар нарсани таъминлайдиган олам), Олами арвоҳ (руҳлар олами), Олами асбоб (сабаблар олами, бу дунё), Олами гайб (инсон кўзидан пинҳон олам), Олами кавни фасод (бузукликлар олами), Олами лахут (улухият олами), Олами носут (махлукотлар олами), Олами шухуд (кўринадиган олам, бу дунё), Олами зухур (ашёларнинг зухурланиш олами) ва бошқалар.

Қадимги яҳудийларнинг диний кўрсатмалар китоби Талмуд иброний тилида «ўрганиш» маъносини билдиради, унинг Бобил ва Фаластин нусхалари мавжуд.

Пайгамбаримизнинг насаблари куйидагича: Мухаммад (с.а.в.) ибн Абдуллох ибн Абдулмутталиб ибн Хошим ибн Абдуманоф ибн Кусай ибн Килоб ибн Мурра ибн Каъб ибн ибн Луъай ибн Голиб ибн Фихр ибн Малик ибн ан-Назр ибн Кинона ибн Хузайма ибн Мудрика ибн Иляс ибн Музар ибн Низар ибн Маъдд ибн Аднандир (Бухорий).

Амрико Кўшма Штатларида кунига 70 миллион киши спорт билан шугулланади, 100 миллион киши мунтазам сузиш ва югуриш билан машғулдир. Мамлакатда 4 миллион 350 мингта сузиш ҳавзаси бор, бу 55 кишига биттадан ҳавза, демакдир.

Аллох таоло томонидан пайгамбар Мусо алайхиссаломга нозил килинган китоби Таврот иброний тилида "таълим, шариат" маъноларини билдиради, уни «Тора» (конун) ҳам дейишади, у озгаки шаклда милоддан аввалги XVI-XIV асрларда шаклланган, бешинчи асрда Фаластинда китобат килинган.

Дунё бўйича 250 дан зиёд киши коинотга чиққан, улар 21 мамлакат вакиллари дир, фазогирларнинг 70 дан ортиги собик СССР фуқаролари бўлишган.

Малайзияда 24 миллион аҳоли яшайди, бунинг ярми мусулмонлардир, мамлакатда Куръон ўргатадиган 5000 ўқув юрти ва 10.000 мураттаб кори бор.

Хозир жаҳондаги 20 та шаҳарда ўн миллиондан ортиқ аҳоли яшайди. Токио (35,5 миллион), Мехико (19,2 миллион), Нью-Йорк (18,5), Бомбай (18,3), Сан-Пауло (18,3),

Ню-Дехли (15,3), Калкутта (14,3), Буэнос-Айрес (13,3), Жакарта (13,2), Шанхай (12,7 миллион киши) биринчи ўнталикка киради.